

# Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI «KAMOLOT» YOSHLAR IJTIMOIIY HARAKATINING GAZETASI

2002 yil 30 MART, shanba № 39 (14530)

## БАЙРАМ РУҲИ, БАЙРАМ КАЙФИЯТИ

Ёшлар нигоҳида бир нарсани пайқаш кифоя: “Биз албатта, Термизий боболаримизга муносиб ворис бўламиз, юртимиз довуғини оламга таратамиз”.



Юртимиз ёшлари ҳар қанча фахрланса, арзийдики, биз яшаб турган бу заминда не-не алломалар, мутафаккирлар, дунёни қалам билан “забт” этган шоиру, донишмандлар етишиб чиққан. Назаримда, булар бежизга эмас. Тарихдан маълумки, боболаримиз яшаган ҳудуд ижод аҳлининг, тараққиётнинг маркази бўлиб келган. Сирли жойи йўқ, Самарқанд, Бухоро, Хива каби дунёга машҳур шаҳарларимизнинг мадраса-ю, илм ўчоқларида таълим олган хорижликлар ҳам асарлари ва ёзиб қолдирган эсдаликларида бу юрт ҳақида ўзгача меҳр ила гўзал сатрлар битганлар.

Бирок, биз илгари юртимизнинг тарихий шаҳарларини эслганда ҳар доим ҳам Термиз шаҳрини тилга олавермасдик. Боиси кўпчиликка аён.



Абдурашул ЖУМАҚУЛОВ олган суратлар

Термиз тарихидан беҳабар эдик. Фақатгина бир нарсани, юртимизнинг жанубий нуктаси, Афғонистон билан чегарасини туташтириб турувчи, Сурхондарё вилоятининг маркази сифатида билардик. Истиқлолга эришувимиз тарихий адолатнинг қарор топишига кенг шароит яратди. Аниқроқ қилиб айтганда, юртимизнинг бошқа узоқ тарихга эга шаҳарлари қатори Термиз ҳам ўтмишда катта маданият маркази бўлганлигини исбот этди. Яқин- яқингача ким ҳам биларди дерсиз, бугунги Термиз шаҳри қад рўстлаган ҳудудда ўнлаб Термизий тахаллуси ила ижод қилган алломалар яшаб ўтганини-ю, тужжор аҳлининг катта савдо маркази ҳам бўлиб шўҳрат қозонганини...

Хуллас, бу юрт ўтмиши ҳақида узоқ тўхталиш мумкин. Аммо, кейинги ўн йиллик тарихи алоҳида бир “боб” бўлди

десак янглишмаган бўламиз.

Кейинги вақтларда Термизда бўлган киши бир-биридан гўзал бино-ю кенг ва раво кўчаларни кўриб хайратланади. Чунки, илгари “кўёшсевар” бу юртда ҳарорат қирқ даражадан ошганда ҳар ким ҳам чидаб туролмасди. Салқин боғлар, кўчаларга алоҳида чирой бахш этиб турадиган манзарали дарахтлар деярли йўқ эди...

Бугунги Термиз эса ҳақиқий байрам оғушида. Шаҳар ҳам, бу юртнинг кишилари ҳам баҳор каби яшнаган, содда ва самимий, бағрикенгликни ўзида мужассам этган. Ёшлар нигоҳида эса бир нарсани пайқаш кифоя. “Биз албатта, Термизий боболаримизга муносиб ворис бўламиз, юртимиз довуғини оламга таратамиз”.

Шавкат АЛЛАНАЗАРОВ

## ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИГА МОС МАРКАЗ

- \* Мутахассис хорижда малака ошириб кайтди.
- \* 10 млн. Евро ҳажмдаги тиббий асбоб-ускуналар келтирилган.
- \* Бир вақтнинг ўзида 860 кишига хизмат кўрсатилади.

Давлатимиз томонидан аҳоли саломатлигини тиклаш, оналар ва болаларнинг соғлигини таъминлаш, қарияларга беминнат хизмат кўрсатиш борасида талай ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, соғлиқни сақлаш тизимида рўй бераётган ижобий ўзгаришлар кўпчиликни қувонтириши шубҳасиз.

Хабарингиз бор, куни кеча пойтахтимизнинг Чилонзор туманида Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Республика тез тиббий ёрдам Маркази ишга туширилиб, айна пайтда беморларга хизмат кўрсата бошлади.

Марказ биносига кирган кишининг кўнгли яйрайди, ҳаммаёқ тоза, озода. Хоналар ёруғ, шинам.

— Ҳеч бир мамлакатда бундай Марказ ҳали ташкил этилмаган, — дейди катта илмий ходим Бобур Шукуров. — Соғлиқни сақлаш тизимида янги хизмат ташкил этилди. Мақсадимиз республикамиз аҳолисига тез, сифатли биринчи тиббий ёрдамни кўрсатишдир. Юқори хизмат кўрсатиш эса катта малакани талаб этади. Шу боис ҳам 1300 дан ортиқ мутахассисларимиз АКШ, Германия, Бельгия, Исроил, Япония каби дунёнинг турли мамлакатларида малакаларини ошириб қайтишди.

Марказ 10 млн. евро ҳажмдаги замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Яқинда эса Япония ҳукумати билан 754 млн. иена атрофида шартнома имзоланди. Кўриб турганингиздек, ишимиз олдинга силжияпти.

Марказ бир вақтнинг ўзида 860 беморга хизмат кўрсата олади. Фавқулудда вазиятларда эса бу кўрсаткични икки бараварга ошириш мумкин. Айна пайтда Марказнинг ўн иккита вилоятда филиали мавжуд бўлиб, уларда ҳам аҳолига тез ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатилмоқда.

Кувонарли жиҳати шундаки, тез тиббий ёрдам Маркази республикамиз тиббиётига катта қулайлик олиб кирди. Эндиликда кишиларимиз қаерда яшайдиган қатъий назар, керакли муолажаларни олиши мумкин.

Зиёда АШУРОВА, «Turkiston» мухбири

## ҲАРАКАТ ФАОЛИЯТИДАН

“Камолот” Ёшлар ижтимоий ҳаракати Бухоро вилоят Кенгаши ташаббуси билан вилоятнинг шаҳар ва туман раислари, Болалар ташкилоти раислари ўзаро тажриба алмашиш мақсадида Тошкент шаҳрига ташриф буюришди. Ташрифдан мақсад Тошкент шаҳар Кенгашининг бугунги кундаги фаолияти билан яқиндан танишиш, шунингдек ёшлар ўртасида ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик ришталарини боғлашдан иборат эди. Ташриф давомида бухоролик ёшлар пойтахтнинг Сергели туманидаги 284-сон умумтаълим мактабида, Тошкент электротехника алоқа институти қошидаги академик лицейда ва Тошкент Давлат юридик институтида бўлишди. Қизиқарли учрашувлар, мулоқотлар, давра суҳбатлари уюштирилди, Темирийлар тарихи Давлат музейида бўлиб, улкан бир маънавий озуқага эга бўлишди.

Шунингдек, бухоролик ёшлар “Бунёдкор” ёшлар телеклубининг очилиш маросимида ҳам қатнашишди. “Бунёдкор” кўрсатуви муаллифи, журналист Хайрулла Нуриддинов ушбу телеклубнинг мақсад ва вазифалари ҳақида гапириб берди.

Л. ҚАЮМОВ

Ўзбекистон Миллий университети маданият саройида Ҳаракатнинг бошланғич ташкилоти ташаббуси билан “ЎЗМУ маликалари” кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Кўрик-танловда ўзбек филология факультети талабаси Мактуба Жўраева, журналистика факультети талабаси Дилором Абдуллаева, география факультети талабаси Юлдуз Умарова, тарих факультети талабаси Комила Мўминова, хорижий филология факультети талабаси Наргиза Отажоновлар тўртта шарт бўйича ўзаро беллашдилар.

Танлов якунига кўра Юлдуз Умарова Ўзбекистон Миллий университети маликаси деб топилди.

Жамол ЭРГАШЕВ

Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро вилоят универсал илмий кутубхонасида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят Кенгаши ҳамда вилоят давлат мулкни бошқариш бошқармаси ҳамкорлигида ёш тадбиркорлар ўртасида “Ёшлар ва бизнес” мавзуида семинар ўтказилди.

Тадбирда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, унинг истиқболлари, хунармандчилик, шунингдек, кичик тадбиркорларга ёрдам қўлини чўзиш, уларнинг банклардан имтиёзли кредит олишларини таъминлаш борасида юзага келаётган камчиликлар, муаммолар хусусида сўз юритилди.

Семинар қатнашчилари уч гуруҳга бўлиниб, баҳс-мунозаралар асосида таклиф жамлаш ва уларни ечиш йўллари ишлаб чиқишди.

Ш. АСЛОНОВ

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Косон туман Кенгаши ташаббуси билан маҳалла ёшлари ўртасида футбол бўйича “Камолот” кубоги турнири ўтказилди. Ёшларни жисмоний жиҳатдан чиниқтириш, маҳалла ёшлари ўртасида футболни ривожлантириш, бўш вақтларини мақсадли ўтказиш мақсадида уюштирилган турнирда туманнинг Нартичқур, Арабхона, Пахтазор, Гувалак, Пўлати, Пистали, Бешкўтон маҳаллалари жамоалари фаол иштирок этишди. Иштирокчилар ва ғолиблар ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

У.ОЧИЛОВ

2-бетда  
ТАЪЛИМ ВА ИСЛОХОТ  
БЕШ КЎЛ БАРОБАР  
ЭМАС, АММО...

3-бетда  
ДИП ДАФТАРИ  
«ЭСМЕРАЛДА»  
ЎСИМИ ЧИҚАРАПТИ

456-бетларда  
TV  
DASTURLARDI

7-бетда  
Касса  
Жаҳонир  
ХОЛМИРЗАЕВ  
ХУШ ҚОЛ...

8-бетда  
Барнобек  
ЗИПУЛАТОВ  
ИЗЛАРИНГАН  
ЭРГАШИ БОҒЛАР

— **Харакатнинг сиз раҳбарлик қилаётган туман бўлимида ёшлар билан ҳамкорлик қандай йўлга қўйилган?**

— Туманимиз аҳолисининг кўпчилигини ёшлар ташкил қилади. Уларнинг муаммолари билан танишиш ва амалий ёрдам кўрсатиш асосий ишларимиз сирасига киради. Жумладан, яқинда туман ҳокимлиги, туман “Меҳнат бандлиги” бўлими ҳамкорлигида ишсиз юрган ёшларимизни иш билан таъминлаш мақсадида “Меҳнат бозори” ярмаркаси ўтказдик. Унда ёшларга 110 иш ўринлари таклиф этилди, кўпчилик ёшлар ўзлари истаган соҳада ишга жойлашди. Бундан ташқари, бўлимимизга 82 та ариза тушган бўлиб, уларнинг аксариятида ёшлар иш билан таъминлашимизни, кредит олишни, моддий ёрдам кўрсатишимизни сўрашган. Барча аризалар Ижроия Кўмита йиғилишларида кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинади. Ҳар бир аризачининг илтимосини қондиришга ҳаракат қиламиз.

— **Маълумки, айрим ёшлар билиб-билмаган ҳолда жиноят йўлига кириб қолади. Улар ҳаётда ўз ўринларини топишига кўпчилик ишонқирамай қарайди...**

— Нима демоқчи эканлигингизни тушундим. Ҳеч ким ўғри, қаззоб бўлиб туғилмайди. Оилада тарбия устун туриши бор гап. Айтишади-ку: “Куш уясида кўрганини қилади”, деб. Шундай экан, бола хоҳ у тўғри, хоҳ эгри бўлсин,

оила муҳитида тарбия топади. Биз ўз навбатида жиноят йўлига кириб, жазо муддатини ўтаб қайтган ёшларни мунтазам сўраб-суриштириб турамыз. Бу нафақат биз, маҳалла-кўй, қолаверса, ҳар бир инсоннинг бурчи



## «КАМОЛОТ» ҳудуди ҚУШ УЯСИДА КЎРГАНИНИ ҚИЛАДИ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Нурота туман Кенгаши раиси Нусратулло ИСЛОМОВ билан суҳбат

бўлмоғи керак. Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган ёшларга моддий ва маънавий жиҳатдан ёрдам бериш, уларни иш билан таъминлаш мақсадида тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда амалий тадбирлар ўтказилапти. Ҳозирда озод этилган фуқаролардан 17 нафари 28 ёшгача бўлган ёшлардир. Уларни иш билан таъминлаш ҳамда доимий турмуш тарзидан хабардор бўлиш мақсадида бўлимимизда махсус суҳбат дафтарчаси ташкил қилинган.

— **Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, илм эгаллашлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, уларнинг фаолиятини такомиллаштириш вазифаси. Шундай эмасми?**

— Албатта. Ҳар томонлама етук, иқтидорли ёшлар туманимизда кўпчиликни ташкил этади. Шулардан, Жўрабек Эргашев — Миллий кураш бўйича республика чемпиони, Зоҳид Кўрғонов — тил ва

адабиёт бўйича республика фан олимпиадаси 3-ўрин соҳиби, Фурқат Бозоров — Миср Араб Республикасида ўтказилган ёш рассомларнинг халқаро кўرғазмасида “Миср болалар нигоҳида” асари учун олтин медал соҳиби, қолаверса, Севара Орипова, Дилафрўз Баҳриддинова, Азиз Адизов, Наргиза Баҳромова, Элёр Аминов, Бобур Жўраев, Абди Бурҳонов, Мархабо Ёркулова, Шаҳноза Нуриддинова каби қобилиятли, зукко ёшларимиз борки, улар билан фахрланамиз. Бизнинг гуруримиз, суянчимиз ҳам шу ёшлар...

— **Нурота Навоий вилоятининг энг гўзал туманларидан ҳисобланади, унга “Чашмадан сув ичадиган шаҳар”, дея таъриф беришаркан. Боиси нимада?**

— Бу бежизга эмас. Шаҳарнинг юқори қисмидаги улкан чашмадан ҳар сонияда 350 куб метр зилол сув сизиб чиқиб, ариқларга қуйилади. Айтишларича, чашманинг ёши 40 минг йилдан ҳам зиёд экан. Унинг суви ажиб хусусиятларга эга. Кишин-ёзин бир хил — 19 даражада илқ бўлади-ган ана шу об-ҳаёт таркибида кўплаб шифобахш моддалар мавжудлиги илмий текширишлар натижасида исботланган.

Чашмадек беғубор, шиддаткор, тезкор ёшлари билан Ватан равнақ топади, гуллайди, яшнайдди. Зеро, Ватан тараққиёти учун барчамиз масъулмиз. Буни инкор этишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Чунки, Ватан ягона!

**Зиёда ИСМОИЛ қизи**

## ДИЙДОРЛАШУВ

Республика олимпия заҳиралари коллежида мазкур илм маскани ташкил топганининг қирқ йиллигига бағишлаб ўтказилган тадбир Наврўзи олам шодиёналарига улашиб кетди. Сўзга чиққан Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази раҳбари Жуманазар Ҳусанов коллеждаги ўқув-тарбия ишлари мустаҳкамланишига кейинги икки йил ичида олти миллиард сўм сарфланганини айтганида зални қатнашчиларнинг гулдурас олқиши тутиб



кетди. Негаки, спорт ривожини мамлакат учун катта аҳамият касб этади-да. Қирқ йил илгари барпо этилган ушбу масканда дастлабки йиллари ёшлар спортнинг тўрт тури бўйича маҳоратини оширган бўлса, бугунги кунда у йигирма тур бўйича етук спортчиларни етказиб берапти. Мамлакатимиз довуғини дунёга таратган Владимир Фёдоров, Михаил Ан, Сергей Заболотнов, Оксана Чусовитина, Дилшод Орипов, Абдулла Тангриев, Саида Искандарова каби юзлаб машҳур спортчилар мазкур коллеж ўқув майдонларидан катта спортга йўлланма олишган. Таваллуд шодиёнасининг тантанали қисми янада сермазмун ўтди. Бир сўз билан айтганда, коллеж спорт мажмуида шу кунги кичик олимпиада уюштирилди. Спортимиз келажаги — ёш курашчилар, каратэчилар, велопоёғачилар, чавандозлар ва гимнастикачиларнинг намоёнликлари йиғилган томошабинларда катта таассурот қолдирди. Тадбир давомида ўқиш ва спортда ўзига хос ютуқларга эришаётган коллеж талабаларидан бир гуруҳига Жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси, олимпия кўмитаси, Республика касаба уюшмалари федерацияси, Тошкент шаҳри ва Чилонзор тумани ҳокимликларининг фахрий ёрликлари ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

**Воҳид БОЙМУРОДОВ,**  
«Turkiston» муҳбири

## Бугуннинг ёшларини ҳар томонлама билимли, қобилиятли, бир сўз билан айтганда, эртанги куннинг ишончли эгалари, десак хато бўлмайди.

Инсон касб танлашдан олдин, аввало унинг масъулиятига, жамиятда тутган ўрни-ю, обрў-этиборига аҳамият бериши табиий. Зиёлилар хонадонидан туғилиб, вояга етганим сабаб мен ҳам ота касб ўқитувчилликни танладим. Ўқиб юрган кезларим мактабда дарс бериш кўпроқ масъулиятли, ёш авлоднинг эртаси, уларнинг дунёқараши ўқитувчиларга қанчалар боғлиқ эканлигини тўлиқ англамаган эдим. Университетни тугатиб, ўзим ўқиган мактаб томон ошиқдим. Сиз ҳеч Гулдурсун қишлоғи ҳақида эшитганмисиз? У ернинг одамлари очик кўнгил, билимли,

меҳнатсевар. Эллиққалъа туманида жойлашган 3-истеъдод мактаби ҳам айни ана шу қишлоқда жойлашган. Бу мактаб

олимпиадасида мактаб ўқувчилари Жасур Қаландаров, Мунира Хайруллаева, Элдор Каримбоевлар турли фан йўналишлари бўйича билимдонлар баҳсида юқори ўринларни эгаллашга мушарраф бўлдилар. Албатта, бу кўрсаткичлар ўз



— Зеро, тартиб-интизом, ҳурмат бор жойда билим, юксалиш ҳам бўлади.

Аслида шундай аҳил жамоада иш фаолиятимни бошлайман, деб ўйламагандим. Бироқ, ўқитувчилик касбини танлаб хато қилмаган эканман.

**Нафосат КАЛАНДАРОВА,**  
3-истеъдод мактаби тарих фани ўқитувчиси

# МАСЪУЛИЯТ

асосан физика ва математикага ихтисослашган бўлиб, бошқа қўшни қишлоқдаги иқтидорли ўқувчилар ҳам шу мактабда таҳсил оладилар. Хуллас, фаолиятини бошлаганига кўп вақт бўлмаган бўлса-да, туманда, қолаверса Қорақалпоғистон Республикасида олдинги ўринларда туради. Яқинда ўтказилган туман

бўлгани йўқ. Бунда устозлардан Тўра Қаландаров, Қобилжон Бекжонов, Наргиза Султонова, Раҳмонберди Қодировларнинг дарс ўтиш тажрибаси, қолаверса, мактабда қатъий тартиб-интизом ўрнатилгани ҳам аҳамиятга моликдир.

— Ҳозирда баъзи мактабларда муаммога айланиб бораётган тартиб-интизом, ўқувчи ва ўқитувчи орасидаги муомала маданияти мактабимизда ҳавас қилгулик, — дейди мактаб директори Отахон Бобоев.

## Ta'lim va islohot

Ўтган аср бошида маърифатпарвар болаларимиз фарзанд тарбиясини энг устивор вазифадан бири сифатида бежизга илгари сурмаган экан. Чунки юртимиз истиқлолга эришгандан сўнг, шу нарса кўзга ташландики, ҳар бир давлатни тезда дунёга танитадиган жиҳатлардан бири зукко, зеҳли, илмсевар фарзандлардир. Шу маънода бугун биз бемалол айта оламизки, қисқа муддат ичида юртимиз фарзандлари ҳар жабҳада ўз сўзини айта билди. Дунё Ўзбекистонни Беруний, Фаробий, ал-Хоразмий, Алишер Навоий, Термизийлар юрти сифатида ўқиб, эшитган бўлса, эндиликда, Рустам Қосимжонов, Муҳаммадқодир Абдуллаев, Ирода Тулаганова...

каби фарзандлари кўлга киритаётган ютуқларга тан бериб, кўпчилик бу афсонавий, жаннатмакон юртда бўлишни ният қилмоқда.

Яқинда Тошкентда бўлиб ўтган, иқтидорли ўқувчиларнинг биринчи республика анжуманини ойнаи жаҳон орқали томоша қилар эканман, қатнашган ўқувчиларнинг ўзини тута билиши, фикр мулоҳазалари менда чуқур таассурот қолдирди. Негаки, илгари бундай дадил фикр юритадиган, замонавий илмларга эга ёшлар жуда кам эди. Анжуманда юқори ўринни эгаллаган бир ўқувчининг: “Она, сиз орзу қилган кунлар келишига оз қолди.

Фарзандингиз шундай анжуманларда юқори ўринни эгаллаётимиз, демек, сизнинг мени деб

меvasи деб биламан. Бугун республикамиз миқёсида ғолибликни кўлга киритаётган бу ёшлар, шак-шубҳа

билан сабоқ берилаётгани сир эмас. Узим педагог бўлганлигим боис, жуда кўп гувоҳ бўламанки, айрим мактабларда бошланғич синф ўқувчиларига малакасиз, педагогика билим юртларини тугаллаган ўрта махсус маълумотга эга бўлганлар дарс беришади. Бу эса,

кўпинча баъзи ўқувчиларнинг бир умр илмдан совушига сабаб бўлади. Боиси, етарли малакага эга бўлмаган ўқитувчи болага қандай таъсир кўрсата билишини уйдасидан чиқа билмайди ёки кўпол муносабатда бўлиши мумкин.

Агар бола бошланғич синфдаёқ ўз келажакига пойдевор қўйишини ҳисобга

# БЕШ ҚЎЛ БАРОБАР ЭМАС, АММО...

чеккан қийинчиликларингиз бежиз кетмаган”, — деган сўзларини эшитганимда беихтиёр кўзимдан ёш чиқиб кетди. Ахир, ўйлаб кўринг, бундай сўзни ҳар бир она ўз фарзандидан эшитишни хоҳламайди дейсизми? Албатта, хоҳлайди.

Мен буларнинг барини юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг

йўқки, эртага дунё миқёсидаги фан олимпиадалари ва илмий анжуманларда ҳам катта ютуқларни кўлга киритади.

Бироқ биз бу билан юртимиздаги барча таълим муассасалари бир хил ютуққа эришяпти, дея олмаймиз. Беш қўл баробар бўлмаганидек, айрим мактабларда ҳали-ҳануз эски қалиндаги қараш



олсак, биз, энг аввало, ана шу даврда таълим берадиган ўқитувчиларга эътибор қаратишимиз лозимлиги равшан бўлади.

Мактабга илк бор қадам қўйган болани ниҳолдек. Ниҳолнинг қандай дарахт бўлиши боғбонга боғлиқ бўлганидек, боланинг келажакда қандай инсон бўлиши ўқитувчига боғлиқ бўлиши ҳеч қандай исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат-ку!

**Даноҳон АЛИМОВА,**  
ўқитувчи

Кўпинча буюк ихтирочилар ўнгларида тополмаган жумбоқларга тушларида жавоб топишади. Масалан, электрик лампа ихтирочиси Томас Эдисонга ҳам тушида зўр фикрлар келган эмиш. Буюк физик Алберт Эйнштейн, композитор Игорь Стравинскилар ҳам муаммоларга

ихтирочининг кўзи қиличларнинг учидаги тешикчаларга тушди ва шу заҳотиёқ уйғониб кетди. Шу пайт елкасидан оғир юк тушгандай ўзини енгил ҳис қилди. Чун-

## «СИРЛИ НОМАЛАР»НИНГ СИРИ НИМАДА?

рига ечимни тушларидан топишган. Юз йиллар илгари, инглиз ихтирочиси Элиас Хав туни билан ухлалмасдан, эрталаб азонда ухлаб қолади. У туни билан тикув машинаси дизайни устида ишлаб, қийин муаммога дуч келади: унга ип нинадан текис ўтмайдигандай кўрилади, гўё.

Чарчаганига қарамай, Хав яхши ухлалмади. Чунки у даҳшатли туш кўраётган эди. Тушида у бир қабиладаннинг ёввойи одамлари томонидан асирга олинган эмиш ва шу қабиладаннинг бошлиғи тикув машинасини битиролмас уни ўлдиришини айтади. Хав битиришга уриниб кўрди ва ўнгида дучор бўлган муаммога дуч келди. Бошлиқнинг жаҳли чиқиб уни ўлдиришни буюрди. Ёввойи одамлар қиличларини унга томон кўтариб келишарди. Шу пайт

ки у кўп вақтдан бери ечолмай юрган жумбоғига жавоб топган эди. Ипни нина атрофидан текис ўтказиш ўрнига у ипни нина учидаги тешикчадан ўтказишни ўйлаб чиқди. Бу Хавни тикув машинасини тўлалигича яратишга туртки бўлган оддий йўл эди.

Одамнинг тушига ҳамма нарса кириши мумкин. Масалан, аллақачон эсдан чиқариб юборилган ёки хаёлимизга келмайдиган нарсалар... Шунинг учун ҳам баъзида тушларни «сирли номалар» деб аташади. «Сирли номалар»нинг сирли эса ҳали ҳеч кимга маълум бўлмаган. У инсонни бир лаҳзанинг ўзидаёқ машхур қилиб юбориши мумкин. Бу эса ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Яна, ким билади, дейсиз?

Дилором ОДИЛХУЖАЕВА

Хар доим тонгни ана шу сўзлар билан кутиб оламан. Юрганимда ҳам, турганимда ҳам сизни соғинганимни, тезроқ келиб мени кучишингизни орзу қилавераман. Ҳа, ҳа, орзу қилавераман. Лекин сиз келмайсиз! «Меҳрибонлик уйи» дарвозасидан кўчадаги одамларни кузатаман. Улар фарзандларини етаклаганча байрамларга боришади, қувонишади. Мен-чи? Ёлғизман. Сиз мендан юз ўтиргансиз. Мени азоблаш учун бу дунёга келтирганмидингиз? Айтинг, онажон, гуноҳим нима? Ана, қаранг. Жамалакоч қизчага ойини музқаймоқ олиб берапти. Менга эса музқаймоқ эмас, сиз кераксиз, сизнинг меҳрингиз ке-

рак, онажон! Юрагимга таскин, юпанч бўла оладиган биргина кўшиқ бор. Хар гал шу кўшиқни тинглайману, кўзларим ёшларга тўлиб, юрагим бўшайди. Унда сиз-

## СИЗНИ СОҒИНДИМ, ОНАЖОН

нинг мадҳингиз куйланади, она тўғрисида у кўшиқ...

Қайғасиз, онажоним, юрагим тўлиб кетди,

Қайғасиз, меҳрибоним, гарг-

ларим тўлиб кетди...

Ҳозир 14 ёшдаман. Ҳаётда ўз ўрнини топиш учун астойдил ўқияман. Сиз бошимни силамадингиз. Ватан — онам. У менга гамхўрлик қиляпти. У менинг ўксик бошимни силади. Энди мен ҳеч қачон унга, у берган нон-тузга хиёнат қилмайман. Мен Ватан фарзандиман. У учун жонимни беришга тайёрман. Тўғри, сиз доим хаёлимда яшайсиз. Афсуски, хаёлимда. Вақти келиб, албатта, юртим учун керакли инсон бўлишимга кўзим етади. Эҳтимол, шунда мени, она меҳрига зор фарзандингизни йўқлаб келарсиз-а, онажон... Бироқ унда кеч бўлмасмикан?!

ГЎЗАЛ,

Қашқадарё вилояти

**ТАХРИРИЯТДАН:** Ушбу мактубнинг тахририятимизга келганига кўп бўлгани йўқ. Ўзини Гўзал деб таништирган бу қизнинг қайси «Меҳрибонлик уйи»да тарбияланаётганини фамилиясини ёзмаганлиги дастлаб бизни бироз ўйлантирса-да, аммо унинг хатини қандай бўлса, шундайлигича чоп этишга қарор қилдик. Ўйлаймизки, Гўзалнинг ҳаётга интилиши, ўй-фикрлари кўпчиликка сабоқ, кўнгли яримларга малҳам бўлади.



Биз томонга бир қараб кўйинг

Азиз АКРОМОВ олган сурат

## «ЭСМЕРАЛДА» ЭСИМНИ ЧИҚАРЯПТИ

Айни пайтда ойнан-жаҳон орқали берилаётган телесериаллар кўпайди, уларни кўришга улгуриш мушкул. Бу фильмларнинг айримларидан фойдали томонларни ҳам топиш мумкин. Бироқ, «Ешлар телеканали»да берилаётган «Эсмералда» телесериали нақ эсимни чиқаряпти. Нега деганда, фильм 20 дақиқа бўлади. Бу ҳам майли, ҳар бошланишида бир реклама, ўртасида, охирида, хуллас, маза қилиб кўришнинг иложи бўлмаяпти. Бунинг устига дубляж, яъни овоз бериш ҳам табиий чиқмаган.

Раъно РАҲМОНОВА, Тошкент шаҳри

Инсон ҳамиша гўзалликнинг турфа қирраларини ўзида мужассамлаштиргиси келади. Нафис кийиниш, пардоз-андоз қилиш инсон нафосати ва дид фаросатининг кўрсаткичларидир. Киши ўзининг ёши ва қиёфасига монанд кийиниши керак. Бунда давр талабини ҳисоб-

## МОДА ПАНД БЕРМАСИН

Бугунги кунда Европа маданиятининг таъсири кундан-кунга ўзбек қизларининг кийинишида, юриш-туришида кўзга кўринарли даражада сезилмоқда. Баъзи бир қизларимиз «тишидан тирноғигача» пардоз-андоз қилишлари, алламбало кийимларни ўзларига эп билишлари фикримизнинг яққол далилидир. Орамизда ўзига ярашадими-ярашмайдими, буни ҳисобга олмай, мода изидан кувадиган, фақат башанг кийинишни маданият деб биладиган қизлар кўп экан. Бунга кўриб беихтиёр шу ҳам мода бўлдимми? деб юборганимизни сезмай қоламиз. Ваҳоланки, янги мода инсон қиёфасини янада гўзал ва нафосатли қилиши керак. Бизда эса бунинг акс ҳоллари кузатиляпти.

Барибир, нима бўлганда ҳам, қизларимиз миллийлигимизни унутмаган ҳолда гўзал бўлишларининг тарафдоримиз. Зеро, биз йигитлар гўзаллик шайдосимиз. Табиат инъом қилган ҳаё яна ўзбек қизларига қайтишини хоҳлардик.

Нурали ШОДИЕВ, талаба

## НЕГА «ЗАКОН» ДЕЙСИЗ, «ҚОНУН» ДЕМАЙСИЗ?

Бу ҳақда айтилавериш, ёзилари қулоққа олинмагандан кейин нима қилмоқ керак. Аксига олгандай, кўча-кўйда ўзбекча гаплашиш баробарида ярим-юлуқ гапларни қўйиш «мода»га қиряпти. Ўйлаб қоламан, наҳот бугуннинг шиддаткор кучи бўлган ёшларнинг онга айни шу масалада оқсаб қолса. Соф ўзбек тилида гапириш қийинми? Яқинда бир дугонанинг ўғли билан

баҳслашиб қолдим. Нима эмиш, ўзбек тилига инглизча сўзлардан бир-иккитасини қўшиб гапирса, унинг таъбири билан айтганда «крутойроқ» кўринар эмиш. Ҳайратда қоламан. Тўғриси, ёшларга ақл ўргатамиз-у, аввал ўзимиз ақлли бўлишимиз кераклигини унутиб қўямиз. Гўёки, биз хато қилмайдиган катталармиз. Нима бўлганда ҳам, биз ёшларнинг

насихатгўйи, суянса кўтаргучиси бўлишимиз даркорлигини ҳис қиляман. Улар биздан ўрناق олади, бизнинг ютуқларимизга, ишимизга ҳавас билан боқади. Уларни ардоқлайлик. Тиллари ҳам, ўзлари ҳам эриликка бўйсунмасин, барча нарсада софлик, самимийлик ниш урсин. Барчаси миллийлигимизга етмайди!

Муҳаббат ХИДИРОВА, ўқитувчи

— Тенгдошларим орасида кўзга яқин қизлардан эдим. Мактабда ҳам, кейинчалик университетда ҳам ошиқларимнинг саноғи йўқ эди. Улар кўпайган сари ўзимни юксакроқда ҳис этардим, гўё. Севги изҳорлари битилган мактубларни ўқимасдан қайтарардим, «юрак ютиб» келган йигитларни эса фақат мазах қилардим. Дугоналаримнинг «бирортасини танла», деган гапларини-ку, эшитиши ҳам хоҳламамдим. Ошиқ йигитлардан бирининг ранги ёқмаса, бирининг бўйи ёқмасди. Бошқасининг характеридан камчилик тоғардим. Бошқа бир Мажнунга эса масофа-

ни рўкач қилардим. Хуллас, ана-мана дегунча ўқишни ҳам тамомладим. Дугоналарим бирин-кетин турмушга чиқиб кетишди, мен эса ўша кўнглимдаги йигитни кутавердим.

## ЎЗИМ «ЛИШИРТАН ОШ»

Ота-онам бу орада мени мажбурлаб узатишмоқчи ҳам бўлишди, лекин қайсарлиғим эркаликларим сабаб журъат этиша олмади. Ишга кирдим, ҳамкасб бир аёлнинг жияни билан танишганимда ёшим 30 га яқинлашиб қолган эди. Бу йигит ҳам кўнглимдаги

эмасди, аммо укам мени деб уйланмай, синглим турмушга чиқмай юришарди, уларнинг ҳам бахтини боғламай, деган мақсадда ўша йигит билан турмуш қуришга розилик бердим. Боши-

дан хабар топгач, куёвлари-га ҳеч нарса демадилар-у, мени ўша уйдан олиб кетдилар. Ҳозиргача қизим билан ота уйидаман. Энди оила қуриш ниятим ҳам йўқ.

Бошимга тушган савдоларнинг ҳаммасига ўзим сабабчидан, ҳар ҳолда ошни ўзим пиширдим. Ота-онам менга ёмонлик раво кўришмас эди, энди уларнинг гапларига қулоқ солмаганимдан афсусдаман.

Мактубни Феруза ҚУВОНОВА оққа кўчирди

ДУШАНБА, 1 АПРЕЛЬ

Узбекистон телеканоали
6.00 «Ассалом, Узбекистон!»
8.00 «8.45 Тахилнома»
8.45 «Камалак» Болалар учун кинодастур.

21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.20 «Ошкони» Мусикий дастур.
21.30 «30-канал» кинооқшом: «Киборг-тан куриқчиси». Жангари фильм.

08.50 Серил "АГЕНТ НАЦИОНАЛЬНОЙ БЕЗОПАСНОСТИ"
10.00 "СЕГОДНЯ"
10.25 "НАМЕДНИ"
11.40 "КУКЛЫ"
12.00 "СЕГОДНЯ"

ДУШАНБА, 2 АПРЕЛЬ

Узбекистон телеканоали
6.00 «Ассалом, Узбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот»
8.35 Газеталар шархи.

17.05 «30-каналда хужжатли кино. «Одам ва денгиз»»
17.45, 20.35 - «Телехамкор»
18.05 «Петербург сирлари»

21.20 Узбекистонда хизмат курсатган артистлар.
21.45 Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сессияси олдидан. «Парламент вақти».

12.00 Ешлар овози.
12.20 «Бозигар». Бадий фильм. 1-кисм.
13.45 Интерфутбол.
15.25 «Соғва». Қисқа метражли телевизион бадий фильм.

ДУШАНБА, 3 АПРЕЛЬ

Узбекистон телеканоали
6.00 «Ассалом, Узбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35 Газеталар шархи.

15.15 Мультиазбука
15.35 Царь горы
16.00 Многосерийная комедия «Сдвинутый». 1-я серия

07.00 «СЕГОДНЯ»
07.10 «УТРО НА НТВ»
07.30 «СЕГОДНЯ»
07.35 «УТРО НА НТВ»
08.00 «СЕГОДНЯ»
08.10 «УТРО НА НТВ»
08.30 «СЕГОДНЯ»
08.35 «УТРО НА НТВ»
08.50 Серил. «ГРАЖДАНИН НАЧАЛЬНИК».



РТР

4:50-8:00 УТРО НА РТР
5:50 6:30 7:50 ВЕСТИ-МОСКВА
6:00 6:30 ВЕСТИ
5:10 "Православный календарь"
5:15 СЕМЕЙНЫЕ НОВОСТИ
5:25 "Дежурная часть"

22.55 Урожайная градка.
23.00 Х/ф «ПАССАЖИР». США, 1997.
24.50 Канал QR.
1.10 Лучшие целители.
1.30 Х/ф «ТАКТИЧЕСКОЕ НАПАДЕНИЕ». США, 1998.

ТВ-3

10.00 «Победоносный голос верующего». Религиозная передача.
10.30 Х/ф «ПОСЛЕДНИЙ ЗВОНК». США, 1998.
12.30 Х/ф «НАЗНАЧЕНИЕ». «Мосфильм», 1980.
13.30 Х/ф «АРЛЕТТ». Франция, 1957.
16.30 Х/ф «АКУРАТНОЕ УБИЙСТВО». США, 1999.

ТНТ

7.00 Мультисериал «Шехерезада». 28-я серия.
7.30 Серия «АЛЬПИЙСКАЯ АКАДЕМИЯ». 18-я серия.
8.00 Серия «САН-ТРОПЕ». 16-я серия.
9.00 Фильм «ЧЕРНАЯ КОШКА, БЕЛЫЙ КОТ». 2-я часть.
10.40 Мультисериал «Рекс и его друзья».

15.20 Авторская программа Э. Николаева «Первые лица».
15.50 Документальный фильм «Большая стройка: плотинки».
17.00 Серил «САН-ТРОПЕ». 16-я серия.
18.00 «Скрытой камерой».
18.30 Из жизни женщины.
19.00 Мультисериал «Черепашки-ниндзя». 44-я серия.
19.25 Серил «ЖЕНЩИНА-ПОЛИЦЕЙЩИК».

REN TV

8.00 Клуб «Белый полугай».
8.30 «ЧЕРТОВА СЛУЖБА В ГОСПИТАЛЕ». США. Комедийный сериал.
9.00 «Fox Kids» на REN TV: «ПАУЭР РЕЙНДЖЕРС, ИЛИ МОГУЧИЕ РЕЙНДЖЕРЫ». Телесериал (США).
9.30 «Fox Kids» на REN TV: «Мир Бобби». Мультимедийный сериал (США).

ТНТ

17.55 «Жахон географияси».
18.40, 19.45, 20.50 «Экспресс» телегазетаси.
18.55 «Хусусийлаштири: кадам-бакадам».
19.10 Табриклиймиш-култаймиш.
20.00 «Поитак шархи».
20.25 «Нима учун?»
21.05 «Мисли гавхар».
21.20 «Ташриф».
21.40 «Хонадонингиз осойишта булсин» туркумидан. «Ташкен менин тадридимда».
22.30 Киноингоҳ. «Азизим, болаларингизни кутаймиш».
00.00-00.05 «Хайрли тун, шахрим!»

НОВЕ ПРИЗНАНИЕ
10.45 Светлана Дружинина. ""ЖЕНСКИЙ ВЗГЛЯД" Оксаны Пушкиной
11.20 ""КВАРТИРНЫЙ ВОПРОС"
12.00 ""СЕГОДНЯ"
12.25 Наше кино. О.Жаков, Н.Мерзликин, Л.Прогунев в боевике «БЕЗ ПРАВА НА ОШИБКУ»
14.25 ВКУСНЫЕ ИСТОРИИ
14.25 «ПУТЕШЕСТВИЯ НАТУРАЛИСТА»
15.05 ""СВОЯ ИГРА"
16.00 ""СЕГОДНЯ"
16.25 «СНАЙПЕРЫ». Профессия-репортер
17.00 Мир кино. Пьер Ришар в комедии «ВЫСОКИЙ БЛОНДИН В ЧЕРНОМ БИКИНЕ»
19.00 ""СЕГОДНЯ"
19.45 Серил «АГЕНТ НАЦИОНАЛЬНОЙ БЕЗОПАСНОСТИ» ""РОССАН"
20.55 ""СВОБОДА СЛОВА"
22.20 Серил ""ЗВЕЗДНЫЕ ВРАТА-И" (США), 4-я серия
23.20 ""ВСЕ СРАЗУ"
